



# ЎЗМУ ХАБАРЛАРИ

## ВЕСТНИК НУУЗ

### АСТА NUUZ

**МИРЗО УЛУГБЕК НОМИДАГИ ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ  
УНИВЕРСИТЕТИ ИЛМИЙ ЖУРНАЛИ**

**ЖУРНАЛ  
1997  
ЙИЛДАН  
ЧИҚА  
БОШЛАГАН**

**2022  
1/4/1**

**Ижтимоий-  
гуманитар  
фанлар  
туркуми**

Бош муҳаррир:

**И.У.МАЖИДОВ** – т.ф.д., профессор.

Бош муҳаррир ўринбосари:

**Р.Х.ШИРИНОВА** – ф.ф.д., профессор

Таҳрир ҳайъати:

**Сагдуллаев А.С.** – т.ф.д., проф.

**Аширов А.А.** – т.ф.д., проф.

**Баллиева Р.** – т.ф.д., проф.

**Маликов А.М.** – т.ф.д., проф.

**Юсупова Д.Ю.** – т.ф.д., проф.

**Муртазаева Р.Х.** – т.ф.д., проф.

**Мўминов А.Г.** – с.ф.д., проф.

**Ганиева М.Ҳ.** – соц.ф.д., проф.

**Мадаева Ш.О.** – ф.ф.д., проф.

**Туйчиев Б.Т.** – ф.ф.д., проф.

**Мухаммедова Д.Г.** – псих.ф.д.

**Тўхтаев Х.П.** – ф.ф.н., доц.

**Болтабоев Ҳ.** – фил.ф.д., проф.

**Раҳмонов Н.А.** – фил.ф.д., проф.

**Жабборов Н.А.** – фил.ф.д., проф.

**Сиддиқова И.А.** – фил.ф.д., проф.

**Ширинова Р.Х.** – фил.ф.д., проф.

**Садуллаева Н.А.** – фил.ф.д., доц.

**Арустамян Я.Ю.** – фил.ф.д., доц.

**Пардаев З.А.** – фил.ф.ф.д., PhD.

Масъул котиб: **З. МАЖИД**

**ТОШКЕНТ – 2022**

<b>Suvanova K.</b> Boshlang‘ich sinf o‘quvchilarida tasviriy san’at namunalari asosida ijodkorlikni shakllantirishning innovasion shakl, vosita va metodlari.....	150
<b>Султанходжаев Р.</b> Жиноятчиликка қарши кураш чоралари тизимида жиноятчиликнинг олдини олиш тушунчаси .....	153
<b>Tashimov N.</b> Chizma geometriya fanini o‘qitishda talabalarning mustaqil bilish faoliyatini rivojlantirish modeli .....	156
<b>Tiropova L.</b> Og‘zaki va yozma nutq amaliyotida til o‘rganishning ahamiyati.....	158
<b>Хайтова Ю.</b> Олий таълимда бўлажак ўқитувчиларнинг ижодий-коммуникатив қобилияtlарини ривожлантиришнинг педагогик тизими .....	161
<b>Хайитов Н.</b> Дунёдаги хитой диаспорасининг бугунги ҳолати .....	164
<b>Хайруллаева Н.</b> Биология дарсларида 3D технологияларидан фойдаланиб талабаларнинг методик тайёргарлигини такомилластириш .....	168
<b>Xamidova G.</b> Maktabgacha yoshdag‘i bolalar ijodiy va intelektual qobiliyatini rivojlantirish mexanizmlari .....	171
<b>Xasanova G.</b> Jamiyatda tarbiyachi modelini yaratishning ijtimoiy pedagogik asoslari .....	174
<b>Xonnazarova M.</b> Mediatexnologiyalar asosida zoologiya fanlarini o‘qitishning didaktik ta’monoti .....	177
<b>Худайназаров А.</b> Ёшларни ижтимоий-маънавий ҳаётда фаоллигини оширишнинг устувор вазифалари ....	181
<b>Xudayberganov S.</b> O‘zbekiston respublikasida xorijiy hamkorlikning huquqiy asoslari (Xorazm viloyati misolida) .....	185
<b>Хо‘jaaxmatova Q.</b> Tibbiyot talabalariga ingliz tilini o‘qitishda zamonaviy innovatsion texnologiyalardan foydalanish .....	188
<b>Хо‘jayev A., Raxmatov A.</b> Matematika fanini o‘qitishda mobil ilovalarning o‘rni .....	191
<b>Ҳайдарова М.</b> Силванитни қайта килиш жараёнида лойнинг флотация босқичини такомилластириш .....	194
<b>Chariyeva Z.</b> Creating a good atmosphere in a class .....	197
<b>Shaxobidinov V., Alimov U., Bedilov O., Pyasov B.</b> Ofitserning pedagogik mahorati .....	200
<b>Эргашев А.</b> Олий таълим тизимида “ионлаштирувчи нурланишлар” мавзусини модуль тизимида ўқитиш усуллари .....	204
<b>Эргашев И., Рузиев Ж., Абдуллаев Б.</b> Ёшларда ватанпарварлик туйғусини тарбиялаш масалалари .....	207
<b>Филология</b>	
<b>Абдусамадов З.</b> Сравнительный анализ фразеологических единиц с особенностями наименования в английском и узбекском языках.....	211
<b>Аззамов Ю.</b> Гастрономия соҳаси терминологиясининг ўзига хос хусусиятлари.....	215
<b>Бекташева Г.</b> Жадид адабиётшунослигига муносабат ва фикрлар хилма- хиллиги .....	218
<b>Бозоров О.</b> Эпистоляр романларнинг тадрижий тараққиёти.....	222
<b>Буранова Б.</b> Топонимлар таржимасида лексик трансформациядан ижодий фойдаланиш .....	226
<b>Valieva N.</b> Xitoy tili frazeologik birliklarida “喜” “quvonch” freumi .....	229
<b>G‘ulomova N.</b> Alisher Navoiyning “Badoye’ ul-vasat” devoni g‘azallarini grammatic teglash xususiyatlari .....	233
<b>Гулямова Ш.</b> Ўзбек ва инглиз тилларида монологик дискурснинг тасниф этилиши .....	237
<b>Имманинова Ш., Ҳафизов Ф.</b> Шарқ ғазалларига ғарбона оҳанг .....	241
<b>Xabibjonovna S.</b> Bolalar kitobxonligini rivojlantirishda fantastik asarlardan foydalanishning ahamiyati .....	245
<b>Irgasheva Sh.</b> Kompyuter diskursdagi neologizmlarning tarjima qilish xususiyatlari .....	247
<b>Исматуллаева Н., Бокиев А.</b> Синхрон таржимонлиқда мнемотехниканинг кўлланилиши хусусида .....	252
<b>Kadirova L.</b> Jamoa sport turlaridan biri – futbol terminologiyasining morfologik va sintaktik tuzilishi .....	255
<b>Каримова Ш.</b> Замонавий ўзбек шеъриятида эпифоранинг бадиий вазифалари .....	258
<b>Qayumov S.</b> Portrait genre in the works of the artist Malik Nabiev .....	261
<b>Қорабоев Ж., Шокиров Ш.</b> Ўзбек тилида “Мардлик” концептини прагматик хусусиятлари .....	263
<b>Мавлянова Т.</b> Проблема перевода средневековой классики и его соответствия оригиналу .....	266
<b>Mamataliyeva S.</b> Chet el va o‘zbek adabiyotida publitistik xatlar va badiiy maktublarning uzviyigli .....	269
<b>Mashrapova G.</b> Romantik dostonlar sujeti va safar motivi .....	271
<b>Набиева Г.</b> “Шум бола” асари таржималарида лингвокультурологик муаммолар тадқиқи .....	274
<b>Nazarov B., Xolmanova Z.</b> O‘zbek tilidagi o‘z qatlam va o‘zlashgan qatlamlari biologiya terminlari .....	278
<b>Нуритдинова Р.</b> Феъллардан антропонимлар ясалиши ва уларнинг лексик-семантик таҳлили .....	282
<b>Ruzimurodova F.</b> Badiiy asar tahlili xususida ayrim mulohazalar .....	285
<b>Sadikov E.</b> Til o‘qitishda pragmatika masalalari: ta’riflar, tanqidlar, tahlillar va talqinlar .....	288
<b>Турабоева С.</b> Инглиз ва ўзбек тилларидаги ахлоқий қадриятларнинг қиёсий-ассоциатив тавсифи .....	291
<b>Турдибеков М.</b> Жой номлари этимологияси: Сўғд вилояти аҳоли яшаш пунктлари номлари мисолида .....	294
<b>Xasanova A., Eskaraeva G.</b> National and cultural aspects of phraseological units of russian and uzbek languages .....	297
<b>Ҳалимова М.</b> Бош соматизмининг семантик структураси ва уни қавм бўлмаган тилларда қайта яратиш ...	300
<b>Чўлиева Н.</b> Қисса жанрида замон ва макон (хронотоп) .....	304
<b>Eshkobilova F.</b> The functions of colour terms as an adjective .....	308
<b>Юсупова Ш.</b> Динга оид терминларнинг семантик хусусиятлари .....	311



Азаматжон ХУДАЙНАЗАРОВ,  
Ўзбекистон Миллий университети тадқиқотчisi  
E-mail: [azamat\\_200992@mail.ru](mailto:azamat_200992@mail.ru)

ЎзМУ профессори, с.ф.д. И. Эргашев тарқизи асосида

## MAIN OBJECTIVES OF INCREASING YOUTH ACTIVITY IN SOCIAL AND SPIRITUAL LIFE

### Abstract

The article discusses some priorities for increasing the activity of the youth of Uzbekistan in social and spiritual life as a guarantee of the country's development. The article also provides a socio-political analysis, increasing the effective participation and activity of young people in socio-political processes through socio-political transformations in the socio-spiritual life of the country, effective solutions, priorities and conclusions of some problems in the socio-spiritual life.

**Key words:** youth, youth spirituality, social and political reforms, social and spiritual life, five important initiatives, spiritual potential, intellectual potential, education, books, reading, reading culture, theater, museum.

## ОСНОВНЫЕ ЗАДАЧИ ПОВЫШЕНИЯ АКТИВНОСТИ МОЛОДЕЖИ В СОЦИАЛЬНОЙ И ДУХОВНОЙ ЖИЗНИ

### Аннотация

В статье рассматриваются некоторые приоритеты повышения активности молодежи Узбекистана в общественно-духовной жизни как залог развития страны. В статье также приводится социально-политический анализ, повышение эффективного участия и активности молодежи в общественно-политических процессах путем социально-политических преобразований в социально-духовной жизни страны, эффективные решения, приоритеты и выводы некоторых проблем в социально-духовной жизни.

**Ключевые слова:** молодежь, молодежная духовность, общественно-политические реформы, общественно-духовная жизнь, пять важных инициатив, духовный потенциал, интеллектуальный потенциал, образование, книги, чтение, читательская культура, театр, музей.

## ЁШЛАРНИ ИЖТИМОЙ-МАЊАВИЙ ҲАЁТДА ФАОЛЛИГИНИ ОШИРИШНИНГ УСТУВОР ВАЗИФАЛАРИ

### Аннотация

Мақолада Ўзбекистон ёшларининг ижтимоий-мањавий ҳаётда фаоллигини оширишнинг айрим устувор вазифалари мамлакат тараққиётининг гарови эканлиги ўрганилган. Шунингдек, мақолада мамлакатимиз ижтимоий-мањавий ҳаётида олиб борилаётган ижтимоий-сиёсий ислоҳотлар орқали ёшларнинг ижтимоий-сиёсий жараёнларда иштироқини ва фаоллигини юксалтириш, ижтимоий-мањавий ҳаётда юзага келаётган айрим муаммоларга самарали ечимлар, устувор вазифалар ва хулосалар берилган ҳамда ижтимоий-сиёсий таҳлил этилган.

**Калит сўзлар:** ёшлар, ёшлар мањавияти, ижтимоий-сиёсий ислоҳотлар, ижтимоий-мањавий ҳаёт, бешта муҳим ташаббус, мањавий салоҳият, интеллектуал салоҳият, таълим, китоб, китобхонлик, китобхонлик маданияти, театр, музей

**Кириш.** Хар бир мамлакатнинг тарихий ривожланиши жараёнидан маълумки, давлатнинг жадал ривожланиши, халкнинг фаровон яшаси, олдинга кўйилган стратегик мақсадларга эришишида ёшларнинг хуқуклари, эркинликлари ва манфаатлари кафолатганлиги, ижтимоий-сиёсий жараёнларда фаоллик даражаси, яратиб берилган шарт-шароитлари, таълим-тарбияси ва келажагига бериладиган эътиборига чамбарчас боғлиқ. Шу мањода, Ўзбекистон ёшларини ижтимоий-мањавий ҳаётда фаоллигини юксалтириш мамлакатнинг тараққиёт даражасини белгилаб беради. Ёшларнинг ижтимоий-мањавий ҳаётда фаоллик даражаси ошмас экан мамлакат хеч қачон ижтимоий, сиёсий, иқтисодий, мањавий ва маърифий соҳаларда ривожланиши амри маҳолдир. Ёшларнинг ижтимоий ҳаёт соҳалардаги айрим муаммоларга ечим топмас экан, Ўзбекистоннинг ривожланган давлатлар орасида, нуфузли ташкилотлар ва халқаро рейтинглардаги ўрни пастилаши мумкин, юқорилашиши жудаям қийиндир.

Шу ўринда таъкидлаш лозимки, Президентимиз Ш.М.Мирзиёевнинг “Ёшлар ўртасида китобхонликни, мутолаа маданиятини ривожлантириш доимий эътиборимиз марказида бўлиши лозим. Фарзандларимизга

мўлжалланган бадиий адабиётларни кўпайтириш ва уларнинг муаллифларини рағбатлантириш мақсадида “Болалар ва ёшлар учун энг яхши китоб” танловини ўтказиш йўлга кўйилади. Бунда муаллифларга биринчи ўрин учун - 100 миллион сўм, иккинчи ўрин учун - 75 миллион сўм, учинчи ўрин учун - 50 миллион сўм мукофот берилади”[1] деган фикрларини ўринли деб ўйлайман.

Ўзбекистонда китобхонлик маданиятини ривожлантириш ва қўллаб-кувватлашни янги босқичга олиб чиқиши, ёшларни китобхонликка жалб килиш, китобхонлик билан боғлиқ муаммоларга самарали ечимлар ишлаб чиқиш бўйича Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 13 сентябрдаги “Китоб маҳсулотларини нашр этиш ва тарқатиш тизимини ривожлантириш, китоб мутолааси ва китобхонлик маданиятини ошириш ҳамда тарғиб қилиш бўйича комплекс чора-тадбирлар дастури тўғрисида”ги ПҚ-3271-сон Қарори[2], Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 7 июндаги “Ўзбекистон Республикаси ахолисига ахборот-кутубхона хизмати кўрсатишни янада такомиллаштириш тўғрисида”ги ПҚ-4354-сон Қарори[3], “2019-2024 йилларда Ўзбекистон Республикасида

ахборот-кутубхона соҳасини ривожлантириш Концепцияси”[4], Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 14 декабрдаги “2020-2025 йилларда китобхонлик маданиятини ривожлантириши ва кўллаб-куватлаш миллий дастурини тасдиқлаш тўғрисида”ти 781-сон Қарори[5] ва бошқа мебъёрий-хукукий хужжатлар қабул қилинган.

Янги Ўзбекистон жамияти ҳаётида ёшларнинг маънавий-интеллектуал салоҳияти, онгу тафаккури ва дунёкарошини юксалтиришда, она Ватани ва ҳалқига муҳаббат ва садоқат туйгуси билан яшайдиган стратегик ресурсни тарбиялашда китобхонлик маданиятини ошириш алоҳида аҳамият касб этмоқда. Ёшларни китоб ўкиш кўникмаси шаклланса, уларнинг келажаги йўлида қолган барча амалларни китобнинг ўзи ўргатади.

Ахлоқ-одоб борасида буюк асарлар яратган Муҳаммад Жабалрудий китоб ҳақида шундай дейди: Китоб олимлар фикрининг паноҳоҳи, доно кишилар бўстонининг чамани, оддий кишиларнинг тамошогоҳидир. У кимсасиз кишиларга дил очувчи боғ, кўнгли шикасталарга раҳнамодир. У барча ерда барча билан ошно, дардли кишилар дилига даводир[6].

Шу ўринда Президентимиз томонидан 2019 йил 19 март куни ёшларни маданият, санъат, жисмоний тарбия ва спорта кенг жалб этиш, ёшларда ахборот технологияларидан фойдаланиш кўникмаларини шакллантириш, улар ўргасида китобхонликни тарғиб килиш, хотин-қизлар бандлигини оширишга қаратилган бешта муҳим ташаббус илгари сурилди. Ушбу бешта ташаббуснинг тўртинчиси, яъни аҳоли, айниқса, ёшлар маънавиятини юксалтириш, улар ўргасида китобхонликни кенг тарғиб килиш ёшларнинг интеллектуал ва маънавий салоҳиятини оширишга хизмат қиласди.

Статистик таҳлил ва натижалар. Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика кўмитаси маълумотларига кўра, мамлакатимизда 2021 йил 1 январь ҳолатига ахборот-ресурс ва ахборот кутубхона марказлари сони 400 тани ташкил килиб, шундан 361 таси шаҳарда, 39 таси қишлоқлarda жойлашган. Ҳар бир ахборот-ресурс ва ахборот кутубхона марказга ўртacha 107410 та китоб ва журнallар тўғри келади. Умумий олганда барча ахборот-ресурс ва ахборот кутубхона марказларда 43 миллион китоб ва журнallар мавжуд. Мазкур марказлардан фойдаланувчilar сони 3.1 миллионни ташкил килмоқда.

2021 йил 1 январь ҳолатига кўра, 1450 та китоб ва брошюралар 13.7 миллион тиражда чоп қилинган. Умумий маълумотларга кўра, 2000-2020 йилларда 33711 та китоб ва брошюралар 405.7 миллион тиражда чоп қилинган. Китоблар ва брошюралар умумий сонидан адабий-бадиий нашрлар 429 тани ташкил килиб, 1.3 миллион тиражда чоп қилинди. Ушбу адабий-бадиий нашрлар 2014-2020 йиллар давомида эса 3332 тани ташкил килиб, 9.9 миллион тиражда чоп қилинган. Ундан ташқари юртимизда 366 та газета мавжуд бўлиб, 57.8 миллион тиражда чоп қилингандир.

Мазкур бешта ташабbusнинг биринчи ташабbusи, яъни, ёшларнинг мусиқа, рассомлик, адабиёт, театр ва санъатнинг бошқа турларига қизиқишиларни ошириш хизмат қиласди. Шу ташабbusдан келиб чикиб, статистик маълумотларга таянадиган бўлсак, 2021 йил 1 январь ҳолатига кўра, Ўзбекистонда 49 та театр мавжуд бўлиб, 1090.5 минг киши томоша қилишган. Пандемия сабабли аҳоли театрларга кам киришган. 2020 йил 1 январь ҳолатига эса, 2646,7 минг киши томоша қилишган.

Ундан ташқари, юртимизда 105 та музей ташкил қилинган бўлиб, музейларга ташриф буорувчilar сони 1515.8 кишини ташкил қилиган. Шулардан 798.6 минг мактаб ўқувчilari, талabalari, akademik лицей va kасб-хунар коллажlari ўқувchilari ташриф буоришган. 2020

йил 1 январь ҳолатига кўра эса, 100 та музей мавжуд бўлиб, 7777.8 минг нафар томошабин ташкил қилиган. Шулардан 3497.4 минг нафари эса мактаб ўқувчilari, талabalari, akademik лицей va kасb-хунар коллажlari ўқувchilari ташкил қилиган[7].

Мамлакатимизда ёшларнинг ижтимоий-маънавий ҳаётда фаоллигини ошириш омиллари ҳамда ёшлар фаоллик кўрсатишида юзага келаётган айrim муаммолар ҳақида тўхталиб ўтиш мақсадга мувофиқидir. Ёшларнинг ижтимоий-маънавий ҳаёт соҳасидаги фаоллиги бўйича муаммо ва ечимларни топиш учун Ю-Репорт ва Ёшлар ишлари агентлиги билан ҳамкорликда “Ёшлар кандай ижтимоий лойиҳалар керак?” мавзусida социологик сўров ўтказилди. Ижтимоий лойиҳалар бўйича ўтказилган сўровда 7525 та Ю-Репорт фойдаланувчisi иштирок этди. Сўровда кўпроқ Тошкент шаҳри (13%), Фарғона (12%) ва Самарқанд (10%) вилоятларидан respондентлар катнашдилар. Сирдарё, Навоий ва Жиззах вилоятларидан эса камрок respондентлар сўровда иштирок этдилар (хар бир вилоятдан 4%дан).

Resпондентларнинг 86%ни 30 ёшгача бўлган шахсларни ташкил этди. Ammo сўровда энг фаол бўлган ёш қатлами бу – 20-29 ёшдаги respондентлар бўлиб, улар умумий respондентларнинг 59%ини ташкил этди. 13-19 ёшдаги respондентларнинг улуши эса 27%ни ташкил этди.

Социологик сўровнома натижаларига кўра:

Ёшлар ишлари агентлигининг энг танилган лойиҳаси “Ёш китобхон” танлови бўлиб, 24% respондентлар бу лойиҳани билишини таъкидлади. 13 ёшгача бўлган respондентлар орасида ушбу лойиҳани танийдиганлар улуши 42%ини ташкил этди.

Модул5 лойиҳаси ҳам оммабоп лойиҳалардан бўлиб, 13-18 ёшдаги respондентларнинг 7%ни ва 18 ёшдан катта бўлганларнинг 5%ни ушбу лойиҳани билишини айтди.

Responдентларнинг 32%ни Агентликнинг санаб ўтилган ҳеч бир лойиҳаси ҳақида эшифтмаган. Бундай жавоб берганлар улуши айниқса Тошкент шаҳрида юкори бўлди (51%).

62% respондентлар ижтимоий лойиҳаларни ривожлантиришнинг энг устувор ўйналишлари категорида фан ва таълимни кўради. Иккинчи ўринни иккى ўйналиш эгаллади: “ИТ-технологиялар” ва “Тадбиркорлик ва бандлик” – ҳар бири 17%дан овоз ўйғди.

Responдентларнинг 65%ни ижтимоий лойиҳаларда волонтёр сифатида иштирок этишини истайди.

Волонтёрликка қизиқиши айниқса мактаб (59%), шунингдек, коллаж ва лицей (57%) ўқувчilari орасида юкори. Иш билан банд бўлган respондентларнинг кўпчилигига хоҳиш бўлсада, вакт этишмаслиги волонтёр бўлишига тўсик сифатида айтилди.

Худудлар кесимида, ижтимоий лойиҳаларда волонтёр сифатида иштирок этиш иштиёки Навоий, Наманган ва Андижон вилоятларида юкорироқ (ўтра хисобда 56%). Энг кам қизиқиши даражаси (43%) Тошкент шаҳридаги respондентлар орасида кузатилди [8].

Бутун дунёга назар соладиган бўлсак, барча ҳалқларнинг фаровонлиги ва тараккиётининг асосий таркибий қисми таълимидир. Ҳар бир давлатда сифатли таълимга ўтибор кучайган сари иқтисодиётининг барқарорлиги, барча соҳаларда ривожланган давлатлар билан рақобатлаша олиши, ундан ташқари ҳалқаро меҳнат бозорига кадрлар тайёрлашда етакчилик килишига стратегик замин яратиб беради. Дунё мамлакатларида олиб борилаётган сифатли таълим сиёсатининг қай даражада самара бераётганлигини ҳалқаро рейтингларда ўз аксини топади. Таълим соҳаси бўйича мамлакатларнинг стратегик ўрнини баҳолашда Таълим индекси (Education

Index)[9] катта рол ўйнайди. Таълим индекси асосан дунё иктисодий тараққиёти ва хаёт сифатини ўлчашда кўлланилади. Таълим индекси ҳар йили Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Таракқиёт Дастири томонидан нашр этиладиган Инсон тараққиёти индексининг таркибий кисмидир. У ЯИМ индекси ва умр кўриш давомийлиги кўрсаткичи билан бир қаторда, таълим даражаси, аҳоли жон бошига ЯИМ ва мамлакатларнинг умр кўриш давомийлигини ўлчашга ёрдам беради. Дунё миқёсидаги таълим кўрсаткичлари БМТ Таракқиёт дастурининг ЮНЕСКО статистика институти ва бошқа манбалардан олинган Инсон тараққиёти тўғрисидаги хисоботида келтирилади. Таълим индексига Ўзбекистон 2000 йилда бошлаб киритила бошланган. Ўзбекистоннинг сўнгти 4 йиллик статистик натижалари кўйидагилардан иборат:

- 0.709 (2016);
- 0.724(2017);
- 0.726(2018);
- 0.729(2019).

Таълим индексининг 2019 йилги дунё мамлакатларининг статистик маълумотларига қарайдиган бўлсак, кўйидаги натижаларни кўриш мумкин: 1. Германия - 0.943;

2. Норвегия - 0.930;
3. Буюк Британия - 0.928;
4. Финляндия - 0.927;
5. Исландия - 0.926;
35. Козогистон - 0.830;
39. Россия - 0.823;
70. Кирғизистон - 0.730;
71. Ўзбекистон - 0.729;
96. Тоҷикистон - 0.682;
110. Хитой - 0.657;
111. Туркманистон - 0.653;
189. Нигер - 0.249 [10]

долзарб масалалардан биридир. Мамлакатимизда алмалга оширилаётган ижтимоий-сиёсий ислохотларнинг асосий мақсади ёшларнинг ижтимоий-сиёсий жараёнларга бўлган ишончи, эртанги келажаги учун юксак мақсадлар ва марралар қўя олиши, ижтимоий хаёт соҳаларига дипломатик киришувчанлик ва новаторлик салоҳиятини юксалтиришига хизмат килиши керак ва зарур. Ёшларни маънавий ва интеллектуал салоҳиятини юксалтира олмасак ва давлат бошқаруви ҳамда ижтимоий-сиёсий тизимларга ишончни ошира олмасак, Янги жамият куряпмиз деб бонг уриб, атрофимиздаги муаммоларга кўз юмаверсак, охир оқибатда Янги Ўзбекистон жамиятини куриш пуч ғояларга айланни бораверида.

Ёшларни онгода миллий ва умуминсоний қадриятлар ва инсон ҳаётини қадрлашни китоб, театр ва музейлар орқали сингдириш омилларини яна ошириш бўйича чора-тадбирлар ишлаб чиқилса мақсадга мувофиқ бўлар эди.

Ёшларни китоб ўқишига бўлган қизиқишини ошириш, бўш вактларини мазмунли ташкил қилиш бўйича кенг кўламли ишлар олиб борилмоқда. Шу ўринда китоб мутолаа қилиш, уни нашр қилиш, унинг савдоси

бўйича юзага келаётган айрим муаммоларни келтириб ўтиш мақсадга мувофиқ деб ўйлайман. Таълим муассасаларнинг ахборот ресурс маркази базаларида дипломатик киришувчанлик, креатив ва новаторлик потенциаллариги оширувчи, коммерция жараёнларда фаоллашуви, нутқ ва имло маданиятини юксалтирувчи, сиёсий жараёнларга бўлган муносабатларини ижобий томонга ўзгвртирувчи, ҳалқаро илмий-фалсафий китоблар сони ошириб борилмаётганлиги, мазкур китоблар дарс жараёнларида фойдаланил-маётганлиги, таълим муассасаларнинг айрим раҳбарлари томонидан ўқитувчиларга камида йилда бир марта китоб чоп қилиш мажбурият сифатида қаралаётганлиги, чоп қилинаётган илмий мақолалар, ўкув қўлланмалар, дарслклар факат таълим муассаса рейтинги оширишга қаратилаётганлиги, ўкув қўлланмалар, дарслклар ва илмий мақолаларга ихтинос олиниши суний равишда оширилаётганлиги, айрим китобларнинг маънавий савияси паст даражада эканлиги, паст савиялии китобларни айрим нашриётлар томонидан нашр қилиш орқали катта даромад олиш бизнесига айлантираётганлини кўриш мумкин.

Бизнингча, ёшларни китобга меҳр уйғотиши, дипломатик киришувчанлик, новатор ва креатив салоҳиятини юксалтириш, мустақил фикр ва кенг дунёқарашини мустаҳкамлаш орқали уларнинг ижтимоий-маънавий хаёт йўлларида ўз ўринни топишда кўйидаги омилларни киритиш мумкин:

талаба-ёшларнинг дипломатик киришувчанлик, креатив ва новаторлик салоҳиятини юксалтирадиган илмий китобларни сонини ошириш ҳамда ушбу илмий китобларни дарс жараёнларида фойдаланиш механизмларини ишлаб чиқиш;

ёшлар онгода илмий, бадиий, тарихий асарларда акс этган юқсак инсоний фазилатларни янада мустаҳкамлаш;

ёшларни мустақил, ижодий ва креатив фикрлаш, ахборотларни саралаш, таҳлил этиш малакасини шакллантириш;

мамлакатимизда ижтимоий-маънавий хаёт соҳаларини ривожлантиришда виртуал кутубхона ва музейлар ташкил этиш механизмларини ишлаб чиқиш;

китоб маҳсулотларини чоп этиш ва тарқатиш, янги асарларни яратиш, таржима қилиш ва муаллифларни рағбатлантириш стратегиясини ишлаб чиқиш;

ижтимоий аҳамиятга эга бўлган китобларни, айниқса, болаларга мўлжалланган адабиётлар, кўзи оқизлар учун брайл алифбосига асосланган адабиётлар чоп этилиши механизмларини ишлаб чиқиш;

Ўзбекистонда “Миллий” кутубхона концепцияси”ни ишалб чиқиш;

аҳоли орасидан кўнгиллиларни жалб қилиб, жамоатчилик босма нашрларини рақамлаштириш;

букинист дўкон тармокларини яратиш ва ривожлантириш лойиҳасини яратиш;

онлайн майдончалар, энциклопедиялар ва музейлар орқали мамлакатимиз образини яратиш ва обўсунни ошириш бўйича чора-тадбирлар ишлаб чиқилса мақсадга мувофиқидир.

#### АДАБИЁТЛАР

1. Мирзиёев Ш.М. Янги Ўзбекистон стратегияси. - Тошкент.: Ўзбекистон, 2021 й, - Б 256.
2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 13 сентябрдаги “Китоб маҳсулотларини нашр этиш ва тарқатиш тизимини ривожлантириш, китоб мутолааси ва китобхонлик маданиятини ошириш ҳамда тарғиб қилиш бўйича комплекс чора-тадбирлар дастuri тўғрисида”ги ПҚ-3271-сон Қарори. <https://lex.uz/docs/3338600>.
3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 7 июняғи “Ўзбекистон Республикаси аҳолисига ахборот-кутубхона хизмати кўрсатишни янада такомиллаштириш тўғрисида”ги ПҚ-4354-сон Қарори. <https://lex.uz/docs/4372449>.
4. 2019-2024 йилларда Ўзбекистон Республикасида ахборот-кутубхона соҳасини ривожлантириш Концепцияси. <https://lex.uz/docs/4372449>.

5. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 14 декабрдаги “2020-2025 йилларда китобхонлик маданиятини ривожлантириш ва қўллаб-кувватлаш миллий дастурини тасдиқлаш тўғрисида”ги 781-сон Қарори. <https://lex.uz/docs/5160827#5162595>.
6. Машриқзамин ҳикмат бўстони. "Шарқ" нашриётматбаа концерни, Тошкент: 1997, - б 18-19.
7. Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси расмий сайти. <https://www.stat.uz/uz/>.
8. Yoshlarga qanday ijtimoiy loyiҳalar kerak? <https://uzbekistan.ureport.in/story/801/>.
9. [https://en.wikipedia.org/wiki/Education\\_Index](https://en.wikipedia.org/wiki/Education_Index).
10. Рейтинг стран мира по уровню образования / Гуманитарный портал: Исследования [Электронный ресурс] // Центр гуманитарных технологий, 2006–2021 (последняя редакция: 22.03.2021). URL:<https://gtmarket.ru/ratings/education-index>.
11. Худайназаров.А.Ў. Ўзбекистон ёшлиарининг фаоллигини юксалтиришда ижтимоий-сиёсий ислоҳотларнинг ўрни. ЎзМУ хабарлари. 2021 й, № 1/4. - б. 175-177.
12. Khudaynazarov.A.U. Factors for Increasing the Activity of Youth of Uzbekistan in the Field of Science and Education. Middle East Journal of Applied Science & Technology, Vol.5, Iss.1, Pages 33-37, January-March 2022.